

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон – Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

25 апрель куни Ислон Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон – Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар ҳусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислон Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислон Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома

доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар савдо-харажатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган савдо-харажатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома

тириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металллар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қўғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожини муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг "Лукойл" ва "Газпром" нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород кончаларини қидириш ва ўзлашти-

ришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси билан "Лукойл" компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидорғир. "Матиз", "Нексия" каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобил деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги "Ravon Gentra" савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга қаратилган.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокарада яқини бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислон Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокарада очик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашишнинг таъкидланди. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давомини бўлган ушбу музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истикболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Москва – Тошкент.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланишига санокли кунлар қолди. Маҳаллалар ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён бўлган бу тадбирга мамлакатимиз бўйлаб юқори савияда тайёргарлик кўрилди.

САЙЛОВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида мазкур комиссия аъзоси Абдурахмон БОБОЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тузилманинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Нафақат

маҳалла фаолияти билан боғлиқ, балки уни бошқаришнинг масъул шахслари билан сайлаб қўйишнинг демократик ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунини қўришдан бошлаб уни ўтказишга бўлган барча жараён тартибга солинган. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ сайлов жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтади.

Давомини 2-бетда. ➡

ҲАМХЎРЛИКДАН ДИЛЛАР МУНАВВАР

Ўтган ҳафта институтда ўқийдиган эварам хушхабар етказди. Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга доир навбатдаги Фармонлари эълон қилинди.

Изҳор

Бундай эътибор нафақат менга, балки оиламиздаги катта-кичикнинг барчасига кўтаринки кайфият ва қувонч бағишлади. Бу истиқлол шарофати туфайли ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонланаётган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдида бизга аталган яна бир тўхфа бўлди.

Очиғи, шундай даражада инсон манфаатлари, кадр-қиммати юксак даражада улугланаётган, айниқса, нурунийлар алоҳида иззат-икром қилиниб, уларнинг жасорати ёшларга ибрат ва намуна қилиб кўрсатилганидан юрда яшайётганидан қувониб кетасан, киши. Кексалikka хос дарду ташвишлардан ҳам бутунлай халос бўласан. Руҳинг енгиллашади, ўзингни тетик ва бардам ҳис қиласан.

Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Тонг сажарлаб маҳалламиз фаоллари қўлаб келишди. Хонадонимизда нақ байрам бўлиб кетди. Бу эътибор ёшимизга ёш қўшди, кўзимизга нур, белимизга мадор бўлди. Жаннатмакон юрда яшаймиз. Қўз ўнгимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни, бундай юксалиш ва фаровонликни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди. Шундай экан, бу неъматларнинг қадрига етайлик, шукрона айттайлик. Дуога қўл очиб, аввало, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз соғ-саломат бўлсинлар, дея ният қилайлик.

Насриддин ЭСОНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши
қатнашчиси.
Ўрта Чирчиқ тумани.

МУЛҚДОР МАНФААТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Тадбирда вилоят прокуратураси, адлия, солиқ бошқармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоятда фаолият юритаётган ННТ вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур институтнинг вилоят бўлини ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда "Ўзбекистон Республикасида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун ижроси доирасида вилоятда олиб борилаётган ишлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура идораларининг ўрни ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон юритиш тизими тўғрисида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Давомини 2-бетда. ➡

Таҳриба

Қибрай молия иқтисодиёт коллежида ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларининг ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш устахоналаридаги на-

зорат-ўлчов асбобларидан самарали фойдаланиш, метрологик қоидаларга риоя этишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

САМАРАДОРЛИКНИНГ ИККИ ОМИЛИ

Тадбирда академик лицей ва касб-хўнар коллежлари директорлари, уларнинг ўқув ишлари ва касбий таълим бўйича ўринбосарлари ҳамда махсус фан ва амалиёт ўқитувчилари иштирок этди. Семинарда ўзаро таҳриба алмашиш соҳа ривожини йўлида улкан самара бериши таъкидланди.

Бугунги кунда академик лицей ва касб-хўнар коллежларида ўқув-ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили республика миқёсида 92 миллиард сўмлик назорат-ўлчов асбоблари етказиб берилди. Бу йил эса кимёвий реактивларнинг ўзигагина 1 миллиард сўм ажратилди. Бу таълим самарадорлигини оширибгина қолмай, ўқувчи-

ларнинг амалий кўникмаларини ҳам мустаҳкамлайди.

– Амалиёт – назарий билимларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Қибрай агротехнорат касб-хўнар коллежи физика фани ўқитувчиси Ҳадижа Қурбонова. – Аниқланишича, ўқувчи назарий билимининг 5 фоизинингизда эсда сақлаб қолар экан. Китобдан ўқилганда 10, машғулотда намоёйиш этилганда 30 фоиз маълумот ёдда сақланади. 70-80 фоиз натижага эришиш учун эса дарс жараёнида назария билан амалиётни қўшиб олиб бориш тақозо этилади.



Мазкур семинарларнинг ҳудудий босқичлари Бекобод, Олмалик шаҳарлари ҳамда Янгийўл ва Паркент туманларида ўтказилди.

Нозима РАСУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Қулайлик

Хонадонларга зилол сув

Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғи аҳли ҳашар уюштириб, Улугбек номи маҳалланинг тоза ичимлик суви таъминотидаги муаммоларни бартараф этишди.

– Худуд бўйлаб 10 километрдан зиёд сув қувурлари тортилди, – дейди маҳалла фаоли Камол Холтаев. –

Натижада, маҳалламиздаги 120 хонадонга зилол сув кириб борди.

Ўз мухбиримиз.

ҚАДРИЯТЛАР ЯШАЙВЕРАДИ

Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Тошкент Фармацевтика институтида "Ёшлар тарбиясида аяна ва қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олим ва талаба-ёшлар иштирокидаги мазкур тадбирда миллий қадриятлар

ва урф-одатларимизнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз борди.

– Ўзбекистон улкан қадриятлар бешиғидир, – дейди институт ректори, профессор Аҳмадхўжа Юнусхўжаев. – Урф-одат ва аъёналаримиз халқимизнинг қон-қонига синггиб кетган. Ёшларимиз қалбида миллий ғурурни юксалтириш,

уларни қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш эзгу мақсадимиздир.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга институт олимлари ва мутахассисларининг ўн йиллик меҳнати маҳсули бўлган фармацевтика оид китоблар тақдим этилди.

Наргис ҲАСАНОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ташкил этиш учун Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилган ва унинг таркиби тасдиқланган. Мазкур комиссия томонидан сайловга тайёргарлик билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришдир. Ушбу мақсадда барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбир-

лар режасига мувофиқ маҳаллаларда аҳолининг барча қатламини қамраб олган ҳолда сайловнинг аҳамияти, бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқларини тушуниришга қара-

тути, соҳага оид қонун ҳужжатлари моҳияти, маҳалла сайловининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг

тишга масъул бўлган ахборот хизматларининг фаолияти йўлга қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Сайлов жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиё-

биладиган, шу интилишларни рўёбга чиқаришга қодир, катта ҳаётий тажрибага, кенг ва чуқур билимга эга бўлган, маҳалланинг муаммоларини чуқур таҳлил қилиб, негизи-

да эътибор Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 18-моддасида белгиланган талабнинг таъминланишига ҳам қаратилиши керак. Унга кўра, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик, қоида тартибсизлиги, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Маслаҳатчилар учун овоз бериш сайлов кунини фуқаролар йиғини раиси сайлангандан сўнг амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, сайлов жараёнида қонун талабларига тўла-тўқис эришиш, унинг юқори савияда ўтишига ҳисса қўйиш нафақат шунга масъул шахсларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Чунки бу муҳим тадбирда қўйилган натижага эришиш келгусида маҳаллаларимиз раваннага, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

ЎЗА МУХБИРИ НОРГУЛ АБДУРАИМОВА
ёзиб олди.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – Йўналишсиз ТАКСИЛАР

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг саноат, транспорт масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Доимий комиссияларда

Комиссия аъзолари, тегишли ташкилот ва бошқарма вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур қарорнинг вилоятдаги

ижроси юзасидан вилоят йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлигининг ҳисоботини доимий комиссия йиғилишида эшитишни ташкил қилиш ва ушбу масалани вилоят сессиясига олиб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Аваз ИСРОИЛОВ.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



Коллеждан мактублар

Коллежимизда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Биз буюк юрт фарзандларимиз" мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ЭРТАНГИ КҮН БИЗНИКИ

Ёшларни мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, дахлдорлик ҳиссини янада юксалтириш, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Шу мақсадда ташкил этилган мулоқотда ёзувчи ва шоирлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходимлари, фахрий педагоглар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Шаҳар ҳокимлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, ёшлар-

нинг пухта билим эгаллаши ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилгани хусусида сўз борди. Тадбир сўнггидаги Ватан, истиқлол ва ёшликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки руҳ улашди.

Шунингдек, шу кунги шаҳардаги "Баркамол авлод" болалар маданият ва истироҳат боғида "Эртанги кун бизники, марра бизники" мавзuida яна бир тадбир бўлиб ўтди. Унда мактаб ва коллеж иқтидорли ўқувчиларининг бадиий ижод намуналари, техник ишланмалари кўргазмаси намойиш этилди.

Наргиза МИРЗАҚУЛОВА,
Бекобод техника-иқтисодий касб-хунор коллежи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ЖИЛОВЛАНМАГАН ОФАТ

Ёнғин қандай содир бўлишдан қатъи назар, ўзидан мудҳиш из қолдиради. Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказиши, ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар иқтисодийётига салбий таъсир кўрсатади.

Дарвоқе

Туманимизда шу йилнинг биринчи чорагида 61 та ёнғин қайд этилди. Шундан 52 таси фуқаролар хонадонларида юз берди. Ёнғинлар газ ва электр ускуналари носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик, очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, болаларнинг шўхлиги оқибатида содир бўлмоқда.

Туман ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида саноат корхоналари, мактаб ва аҳоли турар-жойларида суҳбатлар уюштирилиб, газ ва электр асбобларидан фойдаланиш қоидаларини тушунириш бўйича кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизда "Ўт балосидан асрагин" деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки, ёнғин чиққанда ҳўлу куруқ баравар ёнади. Оқибатда йиллаб тўпланган моддий бойлик бир зумда кулга айланади. Ёнғини, ёнғин нафақат бир оила, балки бутун маҳалла аҳлига ҳам таъсири келтиради. Шунинг учун, ўт балосига қарши кенг жамоатчилик биргаликда курашса, ёнғин чиқиш эҳтимолини камайтирган бўламыз.

Ҳусниддин ЙЎЛДОШЕВ,
Зангиота тумани ИИБ
ЎХБ инспектори.

«УСТУВОР»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Куйи Чирчиқ тумани умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.

Офарин

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими ҳамда Халқ демократик партияси кенгаши туман бўлими ташкил этган мазкур кўрик-танловда еттига ҳудуддаги мактаб ўқувчилари ўзаро куч синашди.

Танлов жараёнида иштирокчилар жамоаларга бўлинган ҳолда конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларнинг аҳамияти, ҳуқуқшуносликка доир тест сновлари ҳамда савол-жавоб ва эркин мавзулардаги билим, кўникма ва маҳоратларини намойиш этишди. Иштирокчилар ҳуқуқшунос ва педагоглардан иборат ҳай'ат томонидан мавзуга ижодий ёндашиш, ижро маҳорати ҳамда ҳуқуқий билимларига кўра баҳолаб берилди.

Танлов натижаларига кўра, 47-умумтаълим мактабининг "Устувор" жамоаси ғолиб деб топилди.

Ю. ҒАЗИЛОВА.

ОРАСТАЮ САРИШТА ҚИЗЛАР

Пискент туманида "Ораста қизлар" кўрик-танловининг вилоят ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг саломатлигини асраш, муомала, кийиниш маданияти, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларини бойитишда умумтаълим мактабларида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғарак-

Ташаббус

Шу кунларда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиалининг тиббий-ижтимоий ёрдам кўчма бригадаси чекка қишлоқлар аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

ШИФОХОНАЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Бу жараёнда, айниқса, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялашга қаратилган кўплаб лойиҳалар эътиборга моликдир. Хусусан, республика Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида" ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарорлари ижроси юзасидан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни жисмонан соғ-

лом ва маънан етук қилиб вояга етказиш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган кўламли ишлар шулар жумласидандир.

2015 йилда филиалнинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси 500 га яқин тиббий таърибот ва хайр-саховат тадбирларини ўтказиб, соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантиришга оид тавсиялар берди. 285 та чекка қишлоқларнинг 16 мингга яқин аҳолисини, жумладан, 2600 га яқин оналар, ўсимир қизлар, 4 мингдан зиёд болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Даволаниши за-

рур бўлган беморларга вилоят ва республика марказий шифохоналарига бекуп йўлланмалар берилди, дори-дармон, санитария-гигиена воситалари ажратилди.

Филиал томонидан Оҳангарон туманидаги "Саховат" уйига ҳомийлар кўмағида 72 миллион сўмликдан зиёд дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечаклар тортиқ этилди. Бундан ташқари, 141 ногирон 7,5 миллион сўмлик ногиронлик аравачалари ва ҳаракатлашиш воситалари билан таъминланди.

– "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган манзилли режаларимизга

мувофиқ, аҳолининг репродуктив саломатлиги мустаҳкамланиб, соғлом бола туғилиши учун зарур шароитлар яратилмоқда, – дейди филиал директори Муҳаббат Йўлдошева. – Йод етишмаслиги, қандли диабет, камқонлик касалликларига чалинган ҳомилдор аёллар зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Туғма нуқсонли ва сурнали остемиелигга чалинган болаларни соғломлаштириш ва тез даволаш юзасидан хорижий ҳамкорлар билан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу йил Тошкент Педиатрия клиникасида хорижий малакали шифокорлар иштирокида

туғма юрак нуқсони бор болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, муолажа қилинди. Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти мутахассислари билан ҳамкорликда туғма қўл-оёқ бўғимлари ва терининг куйиши асоратлари бор беморлар бекуп соғломлаштирилмоқда.

Айни кунларда филиалнинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган тиббий-ижтимоий кўчма гуруҳи шифокорлари аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларида "Соғлом она – соғлом бола", "Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш", "Соғлом муҳит – соғлом оила асоси" каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, семинар-тренинг ва акциялар ташкил этмоқда.

Юлдуз
ҒАЗИЛДИНОВА.

Анжуман

Тошкент молия институтига Ўзбекистон Республикаси Халқ банки билан ҳамкорликда "Банк ички аудит хизмати: замонавий талаблар ва амалиёт" мавзuida анжуман бўлиб ўтди.

ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини ислох қилиш, эркинлаштириш ва барқарорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар банклар фаолиятини такомиллаштириш, банк хизматлари ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Салоҳиятли, билимли, ўз мутахассислигини яхши эгаллаган ёшлар банк ва миқоз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириб, аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу боис етук кадрлар тайёрлашда таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан бевоқифа боғлаб

олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда банк амалиётида қўлланиладиган аудиторлик тартиб-қоидалари, халқаро талаблар асосида соҳани такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банклар фаоллигини ошириш, уларнинг ички хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёз ва қулайликларга оид маърузалар тингланди.

Б. МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 26 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2231,55	1 Украина гривнаси	114,40
1 Англия фунт стерлинги	4182,17	1 Малайзия ринггити	741,31
1 Дания кронаси	438,08	1 Польша злотийси	747,15
1 БАА дирҳами	789,38	1 СДР	4075,27
1 АКШ доллари	2899,25	1 Туркия лираси	1017,46
1 Миср фунти	326,50	1 Швейцария франки	2969,33
1 Канада доллари	2285,03	1 евро	3297,80
1 Хитой юани	445,68	10 Жанубий Корея вонини	25,23
1 Россия рубли	43,78	1 Япония иенаси	260,84

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзлаш қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилган. Жумладан, хусусий мулк қанолати ва кичик бизнеснинг ҳуқуқий асослари, қонунчилик ва унинг мониторинги ижросини таъминлашга оид ягона тизим шакллантирилган.

Тадбир доирасида, шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мавжуд бўшлиқ ва муаммоларни аниқлашга йўналтирилган ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Яқунда барча масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Қ. ҒУЛОМОВ олган сурат.

Бошланғич 1-бетда.

Ўз мухбири.

Санъатнинг ёшлар тафаккури ва эстетик дидини юксалтиришдаги аҳамияти катта. Ўрта Чирчиқ туманидаги Мухтор Ашрафий номидаги 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ана шундай эзгуликка хизмат қилмоқда.

Эътибор

Туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли байрам шодиёналари ҳамда халқаро кўрик-танловларда ушбу илм масканда тарбияланаётган ёш истеъдод соҳиблари ижросидаги Ватан, истиклол, ёшлик ва дўстликни тараннум этувчи кўшиқлар, ўзига хос рақслар, жаҳон классик мусиқаси асарлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари кўпчиликини ҳайратга солмоқда.

Узоққа бормаиллик, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мактаб ўқувчиларининг 10 нафари республика ва халқаро миқёсдаги бир қатор фестивал ва мусиқий кўрик-танловларда иштирок этиб, миллий ва академик хонандлик, фортепьяно ҳамда хореография йўналишларида совринли ўринларни қўлга киритди.

Болаларимизнинг ютуғи барча санъат илосмандлари, айниқса, оналарни беҳад қувонтирмоқда, – дейди мактаб директори Валерия Мардиева. – Мактабимиз ўқувчилари жорий йилда

бўлиб ўтган болалар ансамбллари кўрик-танловининг мамлакат босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мусиқа санъатини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор, замонавий таълим муассасалари, санъат саройлари, маданият масканларининг барпо этилиши, ёш истеъдодларни аниқлаш, уларга юқори билим бериш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, илгари мусиқа ва санъат мактабида шароит йўқлиги дарсларни талаб даражасида ўтишда жиддий қийинчиликлар туғдирган эди. Давлатимиз раҳбарининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида 2011 йилда мактабнинг қайта реконструкция қилинганлиги нафақат санъ-

САНЪАТ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

ат ва мусиқа таълимини талаб даражасида йўлга қўйиш, балки ёш истеъдод соҳибларининг ўз иқтидорларини намоён этишлари учун кенг имко-



ниятлар эшигини очиб берди.

Айни пайтда бу ерда 284 нафар ўқувчи фортепьяно, ўзбек ва рус халқ чолғулари, академик ва эстрада хонандлиги, скрипка, хореография, тасвирий ва театр санъати сингари тўққизта йўналиш бўйича 42 нафар юқори малакали ўқувчи ва мураббийлардан таълим олмақда.

Мактаб жамоаси 2014-2015 йилларда ўтказилган республика болалар ижодиёти фестивалида фак-

рий ёрлик билан тақдирланди. Таълим муассасасининг бир қатор тарбияланувчилари "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Истиклол ғунчалари", Қори



Ёқубов номидаги кўрик-танловлари ва "Камалат юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг якка

тартибдаги босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритди.

Мактаб ўқувчиларининг халқаро танловларда эришган муваффақиятлари ҳам таҳсинга сазовор. Айниқса, 2016 йил бу борада алоҳида из қолдирмоқда. Хусусан, март ойида Россиянинг Москва шаҳрида ўтказилган "Московское созвездие" халқаро танловидан юртимиз номидан муносиб иштирок этган ўзбек халқ чолғулари йўналиши тарбияланувчиси

Асадбек Баҳодиров фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Санкт-Петербург шаҳрида бир

қатор хорижий давлатларнинг ёш мусиқачилари иштирокида бўлиб ўтган "Петербургская Весна – 2016" халқаро мусиқа кўрик-танловида санъат мактабининг бир йўла 6 нафар ўқувчиси – Мафтуна Шералиева, Райхона Тошкенбоева, Хонзода Карасёва, Фарангиз Абдурашидова, Алсу Аюпова ва Наргиза Абдуллаева эстрада хонандлиги ва хореография йўналишида иштирок этиб, биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшлар камолоти, маънавиятини юксалтириш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ишлар ва кўрсатилаётган эътиборнинг амалий самарасидир.

– Санъатга меҳр қўйиб, дунёга машҳур олимлар билан учрашганим ва улардан сабоқ олганим бизни янада қўпроқ ўқиш ва изланишга, келажақда Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб улғайишга ундайди, – дейди мактаб ўқувчиси Райхона Тошкенбоева. – Россияда бўлиб ўтган халқаро танловнинг махсус дипломи билан тақдирланганимиздан, миллий мусиқа санъатимиз имкониятларини намоён этганимиздан гоятда фахрланамиз. Буларнинг барчаси биз, ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишимиз, турли халқаро танлов ва нуфузли тадбирларда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилишимиз учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар ифодаси, деб биламиз.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Акс-садо

Газетанинг шу йил 16 апрель сониди маънавият тарғиботчиси Шухрат Насимовнинг "Бўқадан қувё қилинг" сарлавҳали мақоласини қизиқиш билан ўқидик. Унда "Бўқа полвонлар юрти, туман номи "полвон" маъносини билдиради", деган фикр илгари сурилган. Аслида ҳам шундаймикин? Фикримизча, Бўқа полвонлар юрти бўлганида Ш. Насимов бўқалик бирор машҳур полвоннинг номини келтирган бўларди. Бу кетишда эртага кимдир Алпомиш ҳам асли бўқалик бўлган, деб юбориши ҳеч гапмас-да...

АЛПОМИШ... БЎҚАДА ТУФИЛГАНМИ?

Тўғри, Бўқа атамасининг қандай маъноси аниқлаштириш ҳақида мулоҳаза-лар жуда кўп. Улардан бири таниқли адабиётшунос олима Музаияна Ала-вия томонидан илгари сурилган. Унга кўра, Бобур Мирзо Афғонистонга чиқиб кетаётган, ҳозирги Пискент шаҳрида тўхтайдиган. 20 нафар канизганини 20 нафар яраланган жангчиси-га никоҳлаб, уларни шу ерда қолдиради. Шу тариқа Пискентнинг (форсча – бис – йигирма, кент – кўрғон) вужудга келишига сабабчи бўлади.

Жангчилар соғайиб, куч-қувватга тўлишгач, Курама тоғининг "Етим-чўққи" (Бўқа туманининг ҳозирги Равот кишлоғи) атрофида жойлашганлар ва равотлар қуришиб, ҳар йили ўша жойга бориб, никоҳ қилиниш ишончли эканлар. Кейинчалик, уларнинг авлодлари ҳозирги Саид ота, Муротали, Қорақўйли кишлоқлари ҳудудларига келиб жойлашган. Жумладан, Бек исми киши ҳам кўчиб келган. Бу уруғ жуда бадавлат яшаган. Бек вафот этган, уруғни унинг бева-си бошқарган. Уруғ аъзолари унга "Бека" деб мурожаат этишган. У атрофни кузатиш ва ҳар қандай хавф-хатарни вақтида пайкаш мақсадида баланд тепалик бунёд эттирган. Бора-бора бу тепалик Бека, Бика (талаффузда Бўқа) деб аталган.

Аслида, олима илгари сурган бу фикрларда ҳам ноаниқлик бор. Яъни, ҳозирги Пискент номининг келиб чиқиши Бобур Мирзо қолдириб кетган 20 нафар жангчи оиласи билан

боғлиқ эмас. Чунки, буюқ аждодимиз келгунларига қадар ҳам бу ер Пискент деб аталган. Буни "Бобурнома" асаридида қуйида-ги қайдлар ҳам тасдиқлайди: "Тонгласи Хўханд су-йинли Хослар тўғрисида муз устидан ўтук. Сувдан ўтуб тун қотиб, Пискентга келдик. Шайбонхон худ Шохруҳия навоҳисини – ўқ-чопиб ёнғондур. Мен ким Пискенттин кўчудум, бу жамъ Пискентга қолдирилди. Биз келиб Оҳангарон кент-ларидан Сом – сийрак кентга тушдик" ("Бобурнома" Т. 1989 й. 88-бет).

Биз айни пайтда Бўқа-га нисбатан ишлатилган полвон сўзи бу ўринда уруғ етакчиси Бекнинг Саид ва Муроталига қара-ганда анча баъуват, бар-васта, полвон бўлганига нисбатан қўлланган бўлиши мумкин, дея тах-мин қила оламиз, ҳолос.

1995 йилда "Тил ва ада-биёт таълими" журна-лида (3-4-сон, 68-бет) Бўқа ата-масига қуйидагича изоҳ берилган: "Бўқа" сўзининг ботир, жангчи, "полвон" маънолари бўлсада, ки-шлоқнинг номи уруғ номи-дан олинган. Бўқа – Му-

ТАХРИРИЯТДАН:

"Бўқа" атамасининг келиб чиқиши ҳақиқатан ҳам қизиқарли мавзу. Лекин, "Бўқадан қувё қилинг" мақоласида келтирилган далиллар ҳам ишончли ман-балардан олинганлиги, шунингдек, маҳаллий аҳоли-да ўз туманига бўлган меҳр ва ғурурни, ватанпар-варлик туйғуларини шакллантириш мақсадида йўнал-тирилган билан ҳам аҳамиятлидир. Шояд, келгуси-да бу ерлардан ҳам номдор полвонлар чиқса, бўқа-лик ёшлар спорт чўққиларини эгаллашса.

Яна бир умидимиз шуки, ушбу мавзу атрофида янада қизиқарли маълумотлар, мулоҳазалар бўлса, бу нафақат бўқалиқлар, балки ўлкамиз тарихи ихлос-мандлари учун фойдадан холи бўлмасди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маълумини:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бопқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

САНЖАР ФАЙЗИЕВ ХАЛҚАРО ТУРНИР ФОЛИБИ



Ҳамюртимиз Санжар Файзиев Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Қозогистонда ташкил этилган халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида беларуслик Андрей Василевский билан муваффақиятли иштирок этди.

Теннис

Санжар ва Андрей тур-нирнинг биринчи давраси-да мезбон теннисчилар Са-гадат Аяп ва Бўлат Мамир,

чорак финалда Жанубий Корея вакиллари Хюн-Ву Нам ва Жае-Мин Сэол, ярим финалда беларуслик Мак-

сим Дубаренко ва сербия-лик Мики Янковични мағлу-биятга учратди.

Мусобақа финалида С. Фай-зиев ва А. Василевский рос-сиялик Маркос Каловелонис ва грузиялик Александр Метревелига қарши қор-тиқчи, 6:2, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди ва бош со-винни қўлга киритди.

Ж. ТОШХҲАЕВ,
Ў.А. мухбири.

Реклама ўрнида	"KOP TARMOLLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ
"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ! 2016 йил 17 май кунини соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоши босқичма-босқич ошириши тартибидида ўтказилаётган "Очиқ аукцион" савдосига Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 27.12.2013 йилдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоши 172 158 469 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янги-ёвул ҚФЙда жойлашган, умумий қурилиш майдони 1195,11 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 468,26 кв.метр, асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган "қўй қўра" бино ва иш-отлар; 2. ЖИБ Тошкент вилояти Қўрай туман судининг 19.03.2012 йилдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоши 45 822 510 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Нанай ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 326,0 кв.метр, фойдали майдони 61,75 кв.метр, 3 та яшаш хонадан иборат дала ҳовли. 2016 йил 31 май кунини соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоши босқичма-босқич ошириши тартибидида ўтказилаётган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 06.04.2015 йилдаги 11-1502/2459-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоши 35 267 000 сўм бўлган, Бўстон-лиқ тумани, Ҳазратлиқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,5864 га, қурилиш ости ер майдони 1425,82 кв.метр, умумий фой-даланиш майдони 202,29 кв.метр, 1 та асосий бино ва 1 та ёрдамчи бинолардан иборат бостирма ва омборхона бино-ишотлари ҳамда бошланғич баҳоши 14 989 000 сўм бўлган, Бўстонлиқ тумани, Ҳазрат-лиқ ҚФЙ, Ибн Сино кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,0197 га, қурилиш ости ер майдони 194,6 кв.метр, умумий фойдали майдони 172,07 кв.метр, 1 та асосий бинодан иборат дўхон биноси қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган амалда бошлай 5 (беш) банк кунини ичида мулк учун тўловларни амалда ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунла-ри соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қат-нашис истагидидаги талабгорлар тузилмадан закалат келишувида асосан, мулк бошланғич баҳошининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасияи кўрсат-ган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "ИнфобАНК" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари ке-рак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлашти-рилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб-чиқуши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz. Лицензия рақами RR 0173.	Бошланғич баҳоши босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Фуқа-ролик ишлари бўйича Учтепа туманла-ро судининг 14.03.2016 йилдаги №1-3023/15-сонли ижро варақасига асосан: 1) Бошланғич нархи - 80 000 000 сўм бўлган; Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, КХАЙ, Фарход ва лойиҳадаги Г.30,0М кўчалари оралиғида жойлашган, умумий майдони 44,0 кв.м.дан иборат бўлган, 2 қаватли "Блок-15 савдо маи-ший хизмат кўрсатиш мажмуасининг 2 қавати"; 2) Бошланғич нархи - 87 112 500 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, КХАЙ, Фарход ва лойиҳадаги Г.30,0М кўчалари оралиғида жойлаш-ган, умумий майдони 57,0 кв.м.дан иборат бўлган, 2 қаватли "Блок-11 сав-до маиший хизмат кўрсатиш мажмуа-сининг 2 қавати" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йилнинг 31 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор ту-мани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлаш-ган 311-хонада бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига 1) Тош-кент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 09.12.2013 йилдаги №20340/15-сонли ижро ҳужжатида асосан, бош-ланғич нархи - 203 811 913 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапұл кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қури-лиш остидаги майдони 359,44 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган, 7 та яшаш хонадонларидан иборат тураржой (ховли); Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шай-хонтоҳур туман судининг 26.12.2013 йилдаги 1-578-2013-сонли ижро вара-қасига асосан, бошланғич нархи - 372 828 744 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Чикризова кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 0,50 га, қурилиш остидаги майdonи 850,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли, ертўлали "қурилиш СИБ-маган бино"; 2) Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноий ишлар бўйича Тош-кент шаҳар судининг 5.12.2011 йилда-ги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан: 1) Бошланғич нархи - 355 817 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат "тураржой"; 2) Бошланғич нархи - 1 900 129 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек ту-мани, Подшобог кўчаси, 61, 63-уйда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат икки қаватли "турар-жой" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 17 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олма-зор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳоши-нинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқ-дорда закалат пулини "KOP TARMOLLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими-нинг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аук-цион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа те-гишли ҳужжатлар расмий иш кунла-ри соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилина-ди. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилиши-га бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039.